

ОЙКОНИМЛАР ТОПОНИМЛАРНИНГ ТУРИ СИФАТИДА ВА  
УЛАРНИ ИЖТИМОЙИ-ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ  
МАНБАЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ

Балтабаев О.О.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат  
университети  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
Ўзбекистон

*Аннотация.* В этой статье описаны названия населенных пунктов, т.е. ойконимы, и методы их социально-географического исследования. Кроме того, показан состав территориальных ойконимических систем и социально-географические факторы, влияющие на их формирование и развитие.

*Ключевые слова.* Ойконим, топоним, исторический метод, сравнительно-географический метод, картографический метод, территориальная ойконимическая система.

*Abstract.* The names of settlements, i.e. oikonims, and the methods of their socio-geographical research are described in this article. Furthermore, the composition of regional oiconymic systems and socio-geographical factors influencing its formation and development are shown.

*Keywords.* Oikonym, toponym, historical method, comparative-geographical method, cartographic method, territorial oikonymic system.

**Кириш.** Топонимика юнонча топос – «жой» ва онома ёки онима – «ном» сўзларидан таркиб топган бўлиб, жой номлари тўғрисидаги фандир. Географик номлар ва топонимика фани ҳақида таниқли топонимист географ олим Э.М.Мурзаев: «Газета ўқиганда ҳам, радио тинглаганда ҳам воқеа ва ҳодисаларни кўпинча географик номларга боғлаб ўқиб оламиз. Ҳозирги замон жамиятини географик номларсиз тасаввур этолмаймиз» [9], деб ёзган эди. Ҳақиқатдан ҳам топонимлар инсонларнинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Улар инсоннинг туғилишидан ҳаётининг сўнгги кунларига қадар ҳамроҳлик қилади ва улардан кейин ҳам яшайди. Топонимларда ҳудудларнинг маълум этник гуруҳлар томонидан ўзлаштириш вақти, табиий-географик хусусиятлари, номларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва бошқа кўплаб қимматли тарихий ва маданий маълумотлар мавжуд [15].

Топонимларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлган аҳоли манзилгоҳларининг номлари – **ойконимларни** ўрганувчи соҳа **ойконимика** (юнонча, ойкос – «уй», «турар жой», «макон») деб аталади [11]. Ойконимлар шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул каби аҳоли пунктларининг атоқли номларидан иборат. Таниқли топонимист, географ олим С.Қ.Қораев ойконимларни топонимларнинг энг ўзгарувчан тури эканлигини таъкидлаб, қуйидагича ёзади: «Ўлка табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий воқеа-ҳодисалар, аҳолининг касб-хунарлари

номлари, аҳоли пунктини биринчи бўлиб ўзлаштирган ёки унга асос солган кишининг исми, ёйинки, унда қандай қавм вакиллари яшагани ёки яшаётганига қараб уруғ-қабиланинг номи – этноним шаҳар-қишлоқ номларида ўз аксини топади» [17]. Ойконимлар топонимларнинг бошқа турларига (масалан, ороним, гидроним) нисбатан вақт ўтиши билан кўпроқ даражада ўзгаради. Бу хусусияти аҳоли пунктлари номлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини акс эттиради.

**Асосий қисм.** Топонимиканинг ўзига хос тадқиқот усуллари мавжуд бўлиб, улардан стационар, дала ва камерал шароитларда фойдаланилади. Стационар шароитда жой номларини ўрганаётган тадқиқотчи кузатишларини турғун тарзда, яъни кутубхона, архив, музейларда, тадқиқот муассасаларида, бошқа мутахассислар билан боғланган ҳолда амалга оширади. Ушбу босқич мобайнида танланган ҳудуднинг табиий-географик шароити, тарихи, этнографик ҳолати ўрганилиши билан биргаликда асосий эътибор топонимик жиҳатларига қаратилади. Бунда дастлаб танланган ҳудуд учун топонимларнинг махсус рўйхати тузилиб, уларнинг этимологик мазмуни, шаклланиш шарт-шароитлари ёзиб борилади. Айрим мазмун-моҳияти номаълум, ўзак тузилиши ғализ бўлган топонимлар эса алоҳида тарзда қайд этилади. Мазмунан ноаниқ ўзакка эга бўлган жой номларининг этимологик таҳлилини топонимикага оид махсус луғатлар, монографик асарлар, баъзан илмий-оммабоп адабиётлар ёрдамида амалга ошириш мумкин [10].

Дала шароитида олиб бориладиган тадқиқотлар топонимларни тадқиқ этишда янада муҳим рол ўйнайди. Чунки топонимист ушбу даврда ўрганилаётган ҳудуд билан айнан танишади, жойнинг табиий-географик шароитини, топонимнинг мазмун-моҳияти билан солиштириб кўриш имкониятига эга бўлади. Ушбу жараёни тадқиқотчи ўрганилиши лозим бўлган нуқтага етиб борган информатор танлашдан бошламоғи лозим. Информатор деганда ўрганилиши лозим бўлган географик нуқта хусусида нисбатан кўпроқ, мукамалроқ тушунчага эга бўлган шахс тушунилади. Ушбу шахс хизмат вазифаси (ўқитувчи, чўпон, овчи, ўрмон қоровули, нафақадаги кекса киши ва ҳоказо) дан қатъий назар, маҳаллий аҳоли вакили сифатида ўрганилиши лозим бўлган нуқта (қишлоқ, тоғ, кўл, тепалик ва ҳоказоларнинг номи) хусусида атрофлича тушунча, ахборотга эга бўлиши лозим. Шундагина у тадқиқотчига топоним ва унинг келиб чиқиш тарихи, этимологик мазмуни хусусида тўғри ахборот бера олади. Шу билан бирга, маҳаллий материаллар объектнинг номи ва хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни янада ишончли аниқлашга ёрдам беради.

Стационар ва дала ишлари мобайнида тўпланган барча илмий далилларни қайта ишлаш, тўлдириш, тартиб бериш босқичи камерал босқич деб аталади. Бу ишлар дала қидирув ишлари тугагандан сўнг, илмий муассаса, ижодхонада турғун тарзда кечади. Камерал босқич даврида ҳам тадқиқотчи кутубхоналар

хизматидан фойдаланган ҳолда, лозим бўлса тажрибали мутахассислар маслаҳати асосида иш юритиши мумкин. Далада тўпланган маълумотлар матн, жадвал, харита, диаграмма ва ҳоказолар тарзида тартибга келтирилгач, уларни янада ихчамлаштириш, соддалаштириш, илмий ҳолга келтириш учун топонимлар кадастрини тузиш мақсадга мувофиқдир [10].

Топонимлар, хусусан, ойконимларни ижтимоий-географик ўрганишда қиёсий-географик усулнинг аҳамият катта. Топонимик тадқиқотлардаги тадқиқот объекти маълум бир ҳудуддаги географик номлар гуруҳи ёки топонимлар мажмуи эканлигини ҳисобга олиб, таққослаш шу объектлар бўйича олиб борилади. Географик номлар гуруҳини таққослашда энг аввало, учта қоидага амал қилиш керак [5]. Биринчидан, муайян умумий хусусиятларга эга бўлган объектларни солиштириш керак. У алоҳида географик номлар гуруҳининг (гидронимлар, оронимлар ва бошқа) ҳар хил ландшафт тузилишига эга ҳудудларда кўринишини қиёслаш учун ишлатилади. Иккинчидан, таққослаш топонимик тизимларнинг муҳим белгилари бўйича амалга оширилиши керак. Бу усулда асосан икки ҳудуд топонимиясидаги табиий-географик ёки иқтисодий-географик объектлар номлари гуруҳларининг лексик-семантик таркиби бўйича таққослаш мумкин. Учинчидан, таққослаш синхрон (бир вақтнинг ўзида фаолият кўрсатувчи топонимик тизимларни солиштириш) ёки диахрон (маълум бир ҳудуддаги топонимик тизимларни турли даврлар учун солиштириш) шаклида амалга оширилиши мумкин.

Қиёсий-географик усул жой номларининг вақт билан боғлиқ белгиларини, динамикасини, топоним шаклланиши билан боғлиқ тил хусусиятларини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Ю.А.Карпенко таққослашлар яратишни топонимикада синхрон нуқтаи назардан асослаб берган [6].

Картографик усул ҳам топонимик тадқиқотларда кенг қўлланилади. Унинг бошқа усуллардан фарқи ва афзаллиги шундаки, номларнинг ўрганилганлик даражаси, табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва объектлар билан алоқадорлиги, такрорийлиги ва зичлигини майдон бирлигига аниқ кўрсатиш имконини беради. Топонимик маълумотларни аниқлаш турли картографик манбалардан фойдаланишни талаб қилади. Турли даврдаги хариталар ёрдамида табиий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш босқичларини топонимия маълумотлари асосида кузатиш ва аниқлаш мумкин. Картографик усул топонимистдан ўрганилган умумий материаллардан аниқ хулоса чиқаришни талаб қилади. Шу сабабдан харитадаги маълумотлар матнга нисбатан яққол ва аниқ кўзга ташланади ҳамда топонимик ҳодиса ва қонуниятларни тушуниш имконини беради [16]. Топонимик хариталар тузиш, улардан фойдаланиш, умуман картографик усулнинг имкониятларини рус олими Е.М.Поспелов илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганган [14]. Замонавий ахборот ва ГАТ-технологияларни қўллаган ҳолда топонимик маълумотларни ўзида жамлаган хариталарни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш, географик номларнинг

# «ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

электрон базасини яратишда ва янги топонимик хариталарни тузишда катта натижа беради.

Тарихий таҳлил усулидан фойдаланиб топонимни пайдо бўлган даври, унинг эволюцияси ва трансформацияси ҳамда янги географик номнинг пайдо бўлишига асос бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Шу сабабдан ҳар қандай топонимик фактни тадқиқ қилишда, аниқ тарихий воқеликни ҳисобга олиб иш кўриш, улардан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Кўпинча географик номларнинг семантикаси ўзига хос хусусиятларга эга, улар узок тарихий давр давомида шаклланган бўлиб, инсоннинг табиатга бўлган муносабатини акс эттиради.

Ном доимо ижтимоий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганлиги боис, ҳаттоки, табиий-географик терминлар ҳам топонимияда географик объектнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Ҳар бир географик ном бу тил орқали ифодаланган ихчам тарих, унинг асоси муайян тарихий даврда яратилган. Тарихий усул ёрдамида тадқиқотчи жой номининг географик аломатларига яна ҳам жиддий эътибор бериши мумкин [16].

Топонимик тадқиқотларда тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган А.И.Попов ўзининг тадқиқотларида аниқ тарихий шароит ва тарихий манбалардан хабардор бўлмасдан туриб, географик номнинг келиб чиқиши ҳақида тўғри фикр билдириш мумкин эмаслигини бир неча бор таъкидлаган. Топонимлар аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлади ва келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ [12].

Географик номларни ҳудудий тадқиқ этиш ва формантларга бўлиб ўрганишда олимлар томонидан лингвистик усуллар (топоформантлар асосида, этимологик, грамматик тузилиши) кенг қўлланилади. Номларнинг лисоний таркиби, сўз ва қўшимчалари, уларнинг маънолари ва бирикуви, номланишга асос бўлган ижтимоий-лисоний омиллар ўша давр воқелиги билан баҳоланиши, изоҳланиши ва тадқиқ қилиниши лозим.

Ҳудудий топонимияни топоформантлар ёрдамида, яъни номлар таркибида тез-тез такрорланадиган олд ёки охириги қўшимчаларнинг ўхшашлигига қараб ҳам тадқиқ қилиш мумкин. Топонимлашув жараёнида топоформантлар топоасосларга қўшилиб янги ном ясади. Топонимларни топоформантлар ёрдамида ўрганиш кейинги чорак асрда катта аҳамият касб этди [16].

Топонимик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотларни қайта ишлашда статистик усулдан фойдаланиб яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу усул ёрдамида маълум ҳудуддаги географик номларнинг сонини аниқлаш, уларни бошқа ҳудуддаги номлар билан таққослаш, келиб чиқиши, қайси тилга мансублигини фоиз нисбатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Е.М.Поспелов, М.Т.Миракмалов статистик усулдан самарали фойдаланганлар [8; 13]. Статистик маълумотлар тадқиқотчини минтақа топонимлари ҳақидаги

тасаввурини конкретлаштиради ва аниқ хулоса чиқаришига кўмаклашади. Топонимикага оид картографик маълумотларни таҳлил этишда статистик усулни қўллаш яхши самара беради.

Ҳар қандай географик тадқиқотни районлаштириш усулисиз тасаввур қилиш қийин. Район – бу ҳудуд (геотория) ўзини шакллантирувчи элементларнинг йиғиндиси бўйича бошқа ҳудудлардан бир хиллиги, таркибий элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, бир бутунлиги билан яққол намоён бўладиган ҳудуд (геотория), бунда бирлик – бу ҳудуд ривожланишининг объектив шарти ва қонуний натижасидир [1]. Топонимик районлар табиий-географик ва иқтисодий-географик районлар каби табиатда айнан такрорланмайдиган муайян бир ҳудудда жойлашади ва алоҳида географик номга эга бўлади. Шу билан бирга, топонимик районларнинг бир-бирларига ўхшашлик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиши табиий, аммо улар ўзларининг асосий муҳим хусусиятлари билан фарқланиб туради. Таниқли топонимист, географ олим В.А.Жучкевич «топонимиянинг ҳудудий хусусиятини аниқлашда биринчи навбатда, районлаштириш тамойиллари масалалари пайдо бўлади» [4] – деб ёзган эди. Топонимик районлаштиришнинг ўзига хос принциплари мавжуд бўлиб, улар ажратиладиган районларнинг объектив ҳудудий асосда бўлинишига амал қилишдан иборатдир. Топонимик районлаштириш асосан ҳудудийлик, тарихий-генетик, комплекслилик, нисбий бир хиллик тамойиллари асосида олиб борилади [10].

Муайян ҳудуддаги жой номлари, хусусан ойконимларни ижтимоий-географик жиҳатдан тадқиқ этишда тизимли ёндашув қўлланилиши лозим. Бунда ўрганилаётган ҳудуддаги ойконимлар ўша ҳудуднинг тарихан шаклланган ва ривожланиб бораётган геомаданий муҳитнинг ажралмас элементлари сифатида қабул қилиниб, ўша геомаданий тизимнинг ўтмишдаги ва ҳозирги вақтдаги муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этганлигига эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан муайян ҳудуднинг ойконимиясига ҳудудий маданий тизим сифатида қараб, уни **ҳудудий ойконимик тизим** сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

*Худудий ойконимик тизим – муайян ҳудуд геомаданий муҳитининг ажралмас қисми бўлган, ўша ҳудудда тарихан шаклланган ва ўзгариб келаётган аҳоли пунктлари номларининг жамланмаси [2; 3].*

Ҳар қандай ҳудудий тизим сингари, ҳудудий ойконимик тизим ҳам ўзининг таркиби, яъни структурасига эга бўлиб, бу структуравий тузилиши кўп қиррали хусусиятга эга. Жумладан, ҳудудий ойконимик тизимларда, одатда, турли тилларга мансуб бўлган номлар мавжуд бўлганлиги ўша тизимларнинг тил ёхуд спектрал-стратиграфик таркибини таҳлил қилишга асос бўлади. Бунда ҳудуддаги ойконимлар турли тилларга мансублиги жиҳатидан гуруҳлаштирилади ва ажратилган гуруҳлардан энг кенг тарқалганлиги тегишли ҳудуддаги ойконимик фони сифатида ажратиб олинади. Тил сегментларнинг

# «ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

турли тарихий даврларда шаклланганлиги ҳисобга олинса, уларга ҳудудий ойконимик тизимнинг стратиграфик қатламлари сифатида қаралади.

Ҳудудий ойконимик тизимнинг лексик-семантик таркиби эса ўрганилаётган ҳудуддаги ойконимларнинг этимологик жиҳатдан турлича шаклланганлиги ва уларнинг луғавий маъноси хилма-хиллигини типологик жиҳатдан тадқиқ этишни назарда тутди.

Маълумки, ойконимлар атоқли отлар сифатида турли сўз ясалиш моделлари бўйича тузилади. Улар битта ёки бир нечта сўздан иборат бўлиши, турли топонимик термин ва топонимик формант (қўшимча)лар ёрдамида ясалган бўлиши мумкин. Ойконимларнинг ушбу хусусиятлари ҳудудий ойконимик тизимнинг сўз ясалиши жиҳатидан структурасини ўрганишга асос бўлиб ҳисобланади ва муайян ҳудуд ойконимиясининг муҳим белгисини ўзида акс эттиради.

Ҳудудий ойконимик тизимлар анча ўзгарувчан характерга эга бўлиб, бу хусусиятига жамиятдаги ижтимоий-сиёсий тузум ва идеологик муҳит омили катта таъсир кўрсатади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, давлатлардаги сиёсий бошқарув тизим ўзгарганда жой номлари ҳам ўзгаради, янги ғоявий-маънавий муҳитга мослаштирилади, янги асос солинган аҳоли пунктларига давр талабларидан келиб чиқиб номлар қўйилади. Натижада кўплаб ҳудудларнинг ойконимиясида турли даврларда шаклланган ва уларга хос ижтимоий-мафкуравий хусусиятларни ўзида мужассам қилган номлар учрайди. Ҳудудий ойконим тизимларнинг шу жиҳатдан тузилиши унинг хронологик таркибини ташкил этади.

Майдони катта бўлган ҳудудларнинг ойконимиясидаги спектрал-стратиграфик, лексик-семантик, сўз ясалиши (хусусан, терминологик), хронологик тафовутлар, кўп ҳолларда ҳудудий жиҳатдан ифодаланган бўлади.

Ушбу ҳудудий фарқланишлар ҳудудий ойконимик тизимларни районлаштиришга асос бўлади. Ойконимик районлаштириш ўрганилаётган ҳудуд ойконимиясининг тарихан шаклланган турли таркибий хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилувчи кичикроқ қисмларга ажратишни назарда тутди ҳамда йирик ҳудудий ойконимик тизимларнинг ҳудудий таркиби (структураси)ни ўзида акс эттиради.

Ҳудудий ойконимик тизимларнинг структураси бир нечта омиллар таъсирида тарихан шаклланади ва ўзгариб боради. Бу омиллардан асосийлари қуйидагилар: ҳудуднинг ўзлаштириш тарихи, аҳолининг жойлашуви хусусиятлари, аҳолининг ўтмишдаги ва ҳозирги этномаданий таркиби, аҳолининг ижтимоий таркиби ва муносабатлари, аҳолининг анъанавий хўжалик машғулотлари ва маиший одатлари, табиий шароит ва унга кишиларнинг муносабати ҳамда сиёсий тузум ва идеологик муҳит. Ҳудудий ойконимик тизимларни ижтимоий-географик жиҳатдан ўрганишда, нафақат уларнинг турли

моҳиятдаги структурасини, балки ўша структурага ўз таъсирини ўтказган омилларни ҳам аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим.

**Хулоса.** Ижтимоий-географик тадқиқотларда ҳудудий ойконимик тизим геомаданий тизимнинг ажралмас ва муҳим элементи сифатида қаралади. Шу боис ойконимлар орқали ҳудуддаги этномаданий вазият ва унинг тарихий ўзгариб бориши, ҳудудни ўзлаштириш билан боғлиқ аҳоли миграциялари йўналишлари, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзи ва ижтимоий муносабатларининг йўқотилган элементлари, аҳоли пунктларининг тарихида алоҳида ўрин тутган шахслар, ўтмишдаги табиий-антропоген ландшафтларнинг ҳолати ҳақидаги қимматли тарихий-географик маълумотларни олиш мумкин. Демак, ҳудудий ойконимик тизимлар тегишли ҳудудлардаги табиий-хўжалик ва ижтимоий-маданий тизимларнинг тарихий ҳамда замонавий хусусиятларини ўзларида мужассам қилиб, уларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, йўқолиб кетган хусусиятлари ҳақидаги маълумот манбаи ҳисобланади. Шунингдек, ҳудудий ойконимик тизимларни кенг маданий-географик ёндашув асосида комплекс тадқиқ этиш жой номларининг тарихий, ижтимоий-маънавий аҳамиятини янада тўлиқроқ очишга, ўлкашунослик билимларни ривожлантиришга, аҳоли пунктларининг ўзига хос «бренд»ларини шакллантириш ва тарғиб қилишга, ҳудудларнинг маданий меросини чуқурроқ ўрганиш ва муҳофаза қилишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география: Понятийно – терминологический словарь. – М.: Мысль, 1983. – 290 с.
2. Балтабаев О.О. Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг ижтимоий-географик таҳлили. География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2022. – 45 б.
3. Балтабаев О.О. Топонимикада аймақтық ойконимиялық жүйе ұғымы және оның мәнісі // Ғылым, білім, инновация: өзекті мәселелері мен болашағы атты халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференциясының материалдары (1 желтоқсан, 2023). Ақтау: Ш.Есенов атындағы Каспий технологиялар және инжиниринг университеті, 2023. – Б. 72-74.
4. Жучкевич В.А. Общая топонимика. – Минск: Вышэйшая школа, 1968. – 432 с.
5. Каймулдинова К.Д. Топонимика: Оқулық. – Алматы.: Дәуір, 2011. – 336 б.
6. Карпенко Ю.А. О синхронической топонимике // Принципы топонимики. – М.: Наука, 1964. – С. 45-57.
7. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 203 б.
8. Миракмалов М.Т. Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик лингвистика. Г.ф.д. (DSc)... дисс. автореферат. – Т.: 2020. – 55 б.
9. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: Мысль, 1974. – 382 с.
10. Низомов А., Рахимова Г., Расулова Н. Топонимика. – Т.: Sharq, 2013. – 120 б.
11. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1978. – 198 с.
12. Попов А.И. Основные принципы топонимического исследования. // Принципы топонимики. – М.: «Наука», 1964. – С. 34-44.

# «ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

13. Поспелов Е.М. Математико-статические методы в топонимике // Вопросы географии. Сб. 70. – М.: Мысль, 1966. – С. 28-40.
14. Поспелов Е.М. Картографическая топонимика в исторической картографии // Вопросы географии. Сб. 110. – М.: Мысль, 1979. – С. 143-149.
15. Турдимамбетов И.Р., Балтабаев О.О. Қорақалпоғистон Республикаси фитотопонимлари таҳлили // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 58-жилд. – Тошкент, 2020. – Б. 192-197.
16. Hakimov Q. Toponimika. – T.: Mumtoz so'z, 2016. – 368 b.
17. Qorayev S. Toponimika. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b.